

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА МОҲИНУР ИЗАТИЛЛОЕВНА**

**БАДИЙ ГИМНАСТИКА БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
БОЛАЛИКНИНГ I–II ДАВРИДАГИ ҚИЗЛАРДА АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02– Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Исматова Моҳинур Изатиллоевна**

Бадий гимнастика билан шуғулланувчи болаликнинг I – II давридаги кизларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий хусусиятлари ..... **3**

**Исматова Моҳинур Изатиллоевна**

Сравнительная характеристика антропометрических параметров девочек I-II периода детства, занимающихся художественной гимнастикой ..... **23**

**Ismatova Mohinur Izatilloeyvna**

Comparative characteristics of anthropometric parameters of girls of the I-II period of childhood engaged in rhythmic gymnastics ..... **43**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works ..... **46**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА МОҲИНУР ИЗАТИЛЛОЕВНА**

**БАДИЙ ГИМНАСТИКА БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
БОЛАЛИКНИНГ I–II ДАВРИДАГИ ҚИЗЛАРДА АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1128 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Тешаев Шухрат Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ахмедова Сайёра Мухаммадовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Тожикистон давлат тиббиёт университети**  
(Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилган.

(202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н.Очилова**

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Болалар ва ўсмирларнинг ўсиши ва жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш, унинг меъёр чегарасидан оғишларини ва организм ривожланишидаги бузилишларни баргараф этиш ҳамда олдини олиш орқали улар саломатлигини таъминлаш тиббиётнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Россия Федерацияси Спорт Вазирлиги маълумотларига кўра, аҳолининг атиги 32,4% спорт билан шуғулланади. Шу муносабат билан Жаҳон Тиббиёт Ассоциацияси: «...спорт иштирокчиси бола ёки ўсмир бўлса, шифокор биринчи навбатда иштирокчининг ўсиши ва ривожланиш босқичига эътибор бериши керак...»<sup>1</sup> дея шифокорларни спорт тиббиётига жалб этилишини таъкидлайди. Бу эса ёш қизларда тана морфометрик параметрларини аниқлаш ва уларни жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш давлат аҳамиятига эга бўлган тиббиётнинг муҳим муаммоли масалаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Жаҳонда бадий гимнастика билан шуғулланувчи ёш қизлар тана тузилиши, морфологик хусусиятлари, деформацияларини ўрганиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада патологик ёки патологияга олиб келадиган турли иқлимий-географик, экологик, ижтимоий - иқтисодий шароитлари, миллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда бажарилган тадқиқотлар мавжуд, шунингдек, морфометрик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш услуги борасида ўтказилган тадқиқотлар ҳам эътиборни ўзига тортмоқда. Шу йўналишда, болаликнинг I–II даврида бўлган гимнастикачи қизларнинг антропометрик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва уларни бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар маълумотлари билан таққослаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар суяк ёшини аниқлашнинг тиббиётда аҳамияти беқиёс.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, уни тубдан такомиллаштириш, шу билан бирга, ёш болалар спортини ривожлантириш, болалар тана қисмларини морфометрик ўрганиш, болалар касалликларини эрта ташхислаш ва уни олдини олишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2020 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «...жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмоний саломатлиги заиф эканлигини кўрсатди. Аҳолининг барча қатламларида, айниқса, болалар орасида спорт тарғиботини кучайтириш...»<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Бу тиббиёт фанлари савиясини оширган, шунингдек сифатли тиббий хизматлар кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни яхшилаган.

<sup>1</sup> WMA Declaration on principles of health care in sports medicine, 2021.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сонли Фармони, 2020 йил 30 октябр // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5280-сонли «Спорттаълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълум морфологик хусусиятлар ҳар бир спорт тури учун ўзига хос бўлиб, гимнастикачилар орасида истеъдодни аниқлашнинг муваффақиятли жараёни учун зарур бўлган маълумотнома профилини белгилаб беради (Taboada-Iglesias Y. et al. 2017).

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинаётган антропометрия усулининг аҳамияти бекиёсдир. Антропометрик усулларнинг мақсади инсон ривожланишининг хусусиятларини аниқлашдан иборат. Жисмоний саломатлик ҳолатини баҳолаш индивидуал ҳисоб-китобларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини инсон танаси ривожланишининг умумий қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаш орқали амалга оширилади (Казакова Т. С., 2017).

Дунёнинг турли давлатларида бир неча йиллар давомида антропометрик тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқот натижалари ҳар бир ҳудуддаги болалар антропометрик кўрсаткичлари уларнинг ўзига хослигини кўрсатяпти. Ва шунга асосан, тадқиқот ўтказилган турли мамлакатлар болалари ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари натижаларини республикамизда ўтказилган тадқиқотлардан олинган антропометрик кўрсаткичлар маълумотлари билан таққослаб бўлмайди (Рузиева Н.К., 2016; Кирилова И. А., 2017; Норова М.Б., 2018; Ядгарова Г.С., 2018).

Юнон олимлари (Соловьева И. О. ва ҳаммуал., 2011) томонидан, болалардаги суякланиш ҳамда жинсий ривожланиш жараёнларига психологик стресс ва жадал, доимий жисмоний машғулотларнинг кўрсатаётган салбий таъсири аниқланган.

Соловьева И. О. (2011), Омарова М.Н. (2015), Мальгин Д. А. (2017) ларнинг тадқиқот натижалари суякланиш жараёни гимнастикачиларда маълум вақтга қадар узайишини кўрсатган. Улар тақдим этаётган маълумотларга кўра, бадий гимнастика билан жадал тарзда шуғулланувчи қизларнинг суяк ёши, спорт билан шуғулланмайдиган худди шу ёшдаги болаларнинг суяк ёшидан ўртача 1,7-2 йил орқада қолишини хулосалаш мумкин.

Гимнастикачиларнинг аксарият қисми ривожланишда орқада қолади ва ҳатто ҳайз кўриш жараёни ҳам кечикади. Суякларнинг узунасига ўсиши мушаклардаги фаол юклама ва айрим спорт жароҳатлари натижасида секинлашиши аниқланган (Гелашвили О.А., 2018).

Дунё миқёсида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам антропометрия усулидан фойдаланган ҳолда минтақавий меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқиш учун қизлар жисмоний ривожланишининг морфометрик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Газиёва З.Ю., 2014; Каршиева К.С. ва ҳаммуал., 2014; Мусаев У.А., 2019) бироқ, ўрганишларда бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар тана қисмларининг морфометрик параметрлари тўғрисидаги илмий маълумотлар кам учрайди ва уларни қиз болаларнинг жисмоний ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларнинг ёшга боғлиқ ҳолда тана қисмларининг морфометрик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ўрганиш, морфометрик параметрлари бўйича меъерий миллий стандартларни ишлаб чиқиш, гимнастикачи қизлар морфометрик кўрсаткичлари ва уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганишни давом эттиришни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида (05.2022 PhD 131) 123-сон “COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026й.)” илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаликнинг I-II давридаги бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларнинг антропометрик кўрсаткичларининг хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаликнинг I-II давридаги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган ва шуғулланувчи қизларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш ва солиштириш;

бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган ва шуғулланувчи қизларнинг юқориги мучаларининг антропометрик параметрларини солиштириш;

бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган ва гимнастикачи қизларнинг пастки мучаларининг антропометрик кўрсаткичларини солиштириш ҳамда ривожланишнинг муҳим босқичларини аниқлаш;

спорт билан шуғулланмайдиган соғлом қизлар ва гимнастикачи қизлар суяк ёшининг қиёсий хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро шаҳридаги гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар – ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган

бадий гимнастика билан шуғулланувчи 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизлар, шунингдек, спорт билан шуғулланмайдиган 16-сон мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ҳамда 7 - сон мактаб ўқувчи қизлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бадий гимнастика билан шуғулланувчи ҳамда шуғулланмайдиган қизлар жисмоний ривожланиши параметрлари, шунингдек тана қисмлари морфометрик кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда антропометрик, рентгеногафик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган соғлом қизлар ва бадий гимнастикачи қизлар тана қисмларининг антропометрик кўрсаткичлари солиштирилган;

бадий гимнастика билан шуғулланиш кўкрак қафасининг шаклланишини тубдан ўзгартириши аниқланган, бу эса болаликнинг II-даврида яққол намоён бўлган;

бадий гимнастика билан шуғулланувчи болаликнинг I-II давридаги қизлар пастки мучалари бўйлама ва айланма ўлчамлари гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар кўрсаткичларидан ишончли даражада юқорилиги аниқланган;

бадий гимнастикачи қизларнинг суяк ёши даражаси паспорт ёшидан ортда қолиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бадий гимнастика билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган қизларнинг морфометрик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган меъёрий стандартлардан минтақадаги қизларнинг ўсиши ва ривожланишини қиёсий баҳолашда қўллаш учун тавсия этилган;

қизларнинг ёшига қараб тана турли қисмлари морфометрик параметрларида белгиланган ўзгаришлар бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда патологияларни эрта ташхислаш ва олдини олишда қўллаш учун тавсия этилган;

хар хил ёшдаги гимнастикачи қизларнинг антропометрик параметрларини баҳолаш учун жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига асосланган компьютер дастури амалиётга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган ишларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган замонавий антропометрик, рентгенографик ва статистик усуллар, халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларнинг морфометрик кўрсаткичларидаги патологик ўзгаришларни аниқлашга имкон берганлиги бола организмида ривожланаётган турли патологик ҳолатларни олдини олишга ёрдам беришини олинган натижалар ва хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда морфометрик параметрларнинг тана турли қисмларида ўзгариши ёшга боғлиқлигининг аниқланганлиги, бадиий гимнастика билан шуғулланиш кўкрак қафасининг шаклланишини тубдан ўзгартириши, бу эса болаликнинг II- даврида яққол намоён бўлиши, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан мутаносиблиги бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизларнинг пастки мучалари бўйлама ва айланма ўлчамларида сезиларли даражада юқори бўлиши, гимнастикачи қизларнинг суяк ёши даражаси паспорт ёшидан ортда қолиш кўрсаткичлари сезиларли даражада пастлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда ривожланиш эҳтимоли бўлган патологик жараёнларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берадиган морфометрик параметрлар чегаралари ишлаб чиқилганлиги, тана қисмларининг меъёрий ўсиши хар ҳил ёшдаги қизларнинг антропометрик параметрлари бўйича таҳлил қилиш учун компьютер дастури яратилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизларнинг антропометрик параметрлари ва уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бадиий гимнастика билан шуғулланувчи болаликнинг I–II давридаги қизларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий хусусиятлари ишлаб чиқилган "Бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизларнинг антропометрик параметрлари ва уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги №8н-р/1206-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома қизлар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлариг ҳамда морфометрик параметрларининг ёшга нисбатан ўзгаришини аниқлаш имконини берган;

қиз болалар морфометрик тавсифи ва унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Когон туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 декабрдаги 8 н-з/559-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши антропометрик кўрсаткичларнинг жисмоний ривожланишга таъсирини ва морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгаришини эрта аниқлаш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини берган. Болаликнинг I–II даврларида бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда касалликларни эрта ташхислаш, патологик ҳолат ва нуқсонларнинг 20-25% га камайишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан, 8 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 111 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қизларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган бўлиб, сўнгги йиллардаги махсус адабиётлар материалларининг таҳлили батафсил ёритилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари замонавий даражада чуқур таҳлил қилинган, шарҳда бола организми антропометрик параметрларининг жисмоний ривожланиш хусусиятлари, унга ташқи муҳит турли омилларининг таъсири, бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тавсифлар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бадий гимнастика билан шуғулланувчи болаликнинг I-II давридаги қизларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганишнинг материал ва усуллари**» га бағишланган бўлиб, муаммонинг ечимини таъминловчи тадқиқот материали ва усуллари келтирилган.

Илмий-тадқиқот ишлари гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби маркази ва Бухоро шаҳридаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Бухоро шаҳридаги 7-сонли ўрта умумтаълим мактаби, Бухоро шаҳар 16-сон мактабгача таълим муассасасида олиб борилган. Рентген текширувлари Бухоро шаҳар “Улуғбек Ултрамед” клиникасида ўтказилган (GE Proteus XR/a рентген аппарати, АҚШ, 2018).

Ушбу диссертация ишини бажаришда жами 467 нафар болаликнинг I ва II даврларидаги қизлар (5-12 ёш) ўрганилган, шулардан 158 нафари

гимнастикачи қизлар, 309 нафари эса бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлардир. Қизлар сони  $n=17$  нафардан  $n=42$  нафаргача бўлиб, бу материални статистик қайта ишлашга ва ишончли натижаларга эришишга имкон берган.

Ўлчовлар бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар жисмоний ривожланишини баҳолаш имконини берган, бунда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (тана вазни, бўй узунлиги, кўкрак қафаси айланаси) муҳим ўрин тутди.

Тана вазни тиббий ўлчов тарозиси ёрдамида ўлчанган. Бўй узунлиги махсус бўй ўлчагичдан фойдаланиб ўлчанган. Кўкрак қафаси ўлчамлари, юқори ва пастки мучалар ўлчамлари, бош ва юз антропометрик кўрсаткичлари сантиметрли тасма ва тазомер ёрдамида ўлчанган.

Болалардаги суяк ёшини аниқлаш учун Жуковский М.А. ва ҳаммуал. томонидан таклиф этилган боланинг чап қўл бармоқлари ва биллак бўғинини рентгенографик текширув усулидан фойдаланилган (1982).

Тадқиқотда олинган антропометрик маълумотларни стандарт оғиш ва вакиллик хатоси бўйича статистик қайта ишлаш тўғридан-тўғри «Windows 10 Pro» муҳитида Microsoft Office Excel-2010 ва IBM SPSS Statistic 20 дастурий пакетларидан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда амалга оширилган. Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртача арифметик катталиқ ( $M$ ), ўртача арифметик катталиқ хатоликлари ( $\pm m$ ) ва нисбий катталиқ (частота, %) аниқланган. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиқлар билан таққосланиб, Стьюдент мезони бўйича аниқланган ( $t$ ) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланган ( $P$ ). Статистик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар учун тўртта муҳим даража қабул қилинган: юқори –  $P < 0,001$ , ўртача –  $P < 0,010$ , паст –  $P < 0,050$ , аҳамиятсиз –  $P > 0,050$ . Тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишда далилий тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган ва шуғулланадиган қизлар жисмоний ривожланишнинг антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлили»** бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари.** Олинган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаликнинг I-даври (5-7 ёш) даги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 96,5 см дан 127,1 см гача ўзгариб, ўртача  $114,4 \pm 0,55$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 44,0 см дан 66,8 см гача ўзгариб, ўртача  $55,7 \pm 0,41$  см ни ташкил этган. Тана массаси эса 14,0 кг дан 34,0 кг гача бўлиб, ўртача  $20,5 \pm 0,36$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 50,2 см дан 62,0 см гача бўлиб, ўртача  $55,7 \pm 0,21$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 51,1 см дан 65,2 см гача ўзгариб, ўртача  $57,6 \pm 0,25$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 50,2 см дан 61,5 см гача бўлиб, ўртача  $54,0 \pm 0,20$  см га тенг.

Болаликнинг II-даври (8-12 ёш) даги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 119,0 см дан 149,1 см гача ўзгариб, ўртача  $136,4 \pm 0,39$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 54,9 см дан 79,0 см гача ўзгариб, ўртача  $64,3 \pm 0,31$  см ни ташкил этган. Тана массаси эса 22,0 кг дан 50,2 кг гача бўлиб, ўртача  $30,9 \pm 0,37$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 55,0 см дан 86,4 см гача бўлиб, ўртача  $64,9 \pm 0,41$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 59,3 см дан 88,2 см гача ўзгариб, ўртача  $68,5 \pm 0,38$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 53,2 см дан 83,9 см гача бўлиб, ўртача  $63,7 \pm 0,39$  см га тенг.

Аниқланишича, 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда тана вазни (128,0%) бўй узунлигига (37,0%) нисбатан тезроқ ошган.

Бўй узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 6 ёшда (9,5%) энг юқори бўлиб, 12 ёшда (1,4%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Тана массаси бўйича ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш 9 ёш (8,4%), энг кам бўлган ёш 7 (0,2%).

Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизларда кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда 1,27 баравар (27,0%), чуқур нафас олганда 1,73 баравар (73,0%), чуқур нафас чиқарилганда эса 1,67 бараварга (67,0%) ортиши кузатилган.

Кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 9 ёшда (5,6%) ва энг кам кўрсаткич 10 ёшда (0,8%) аниқланган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда жисмоний ривожланишнинг антропометрик кўрсаткичлари.** Тадқиқот натижаларига кўра, болаликнинг I-давридаги (5-7 ёш) бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 94,4 см дан 129,4 см гача ўзгариб, ўртача  $111,4 \pm 0,98$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 37,2 см дан 61,2 см гача ўзгариб, ўртача  $49,9 \pm 1,39$  см ни ташкил этган.

Тана массаси эса 14,0 кг дан 38,4 кг гача бўлиб, ўртача  $19,3 \pm 0,68$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 49,2 см дан 64,0 см гача бўлиб, ўртача  $56,3 \pm 0,41$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 51,2 см дан 68,2 см гача ўзгариб, ўртача  $58,8 \pm 0,48$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 46,2 см дан 63,1 см гача бўлиб, ўртача  $54,5 \pm 0,47$  см га тенг.

Болаликнинг II-даври (8-12 ёш) даги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 110,2 см дан 152,5 см гача ўзгариб, ўртача  $133,3 \pm 0,85$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 45,2 см дан 80,7 см гача ўзгариб, ўртача  $61,5 \pm 0,71$  см ни ташкил этган. Тана массаси эса 19,0 кг дан 30,7 кг гача бўлиб, ўртача  $26,3 \pm 0,23$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 54,1 см дан 67,1 см гача бўлиб, ўртача  $61,5 \pm 0,25$  см ни ташкил этган. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 56,0 см дан 70,0 см гача ўзгариб, ўртача  $64,5 \pm 0,28$  см ни ташкил этган. Чуқур

нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 54,0 см дан 66,5 см гача бўлиб, ўртача  $60,2 \pm 0,25$  см га тенг.

Гимнастикачи ва гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари солиштирма таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

### 1- жадвал

#### Гимнастикачи ва гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари солиштирма таҳлили

Кўрсаткич			Болаликнинг I-даври (5-7 ёш)	Болаликнинг II-даври (8-12 ёш)
			Гуруҳ	
Бўй узунлиги (см)	тик турган ҳолатда	ГҚ	111,4±0,98	133,3±0,85*
		ГБШҚ	114,4±0,55	136,4±0,39*
	ўтирган ҳолатда	ГҚ	49,9±1,39	61,5±0,71*
		ГБШҚ	55,7±0,41	64,3±0,31*
Тана массаси (кг)		ГҚ	19,3±0,68	26,3±0,23*
		ГБШҚ	20,5±0,36	30,9±0,37*
Кўкрак қафаси айланаси (см)	тинч ҳолатда	ГҚ	56,3±0,41	61,5±0,25*
		ГБШҚ	55,7±0,21	64,9±0,41*
	чуқур нафас олганда	ГҚ	58,8±0,48	64,5±0,28*
		ГБШҚ	57,6±0,25	68,5±0,38*
	чуқур нафас чиқарилганда	ГҚ	54,5±0,47	60,2±0,25*
		ГБШҚ	54,0±0,20	63,7±0,39*

Эслатма: ГҚ - гимнастикачи қизлар, ГБШҚ - гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар

\* - олдинги ёшга нисбатан ишончлилиқ даражаси кўрсатилган ( $p \leq 0,05$ ).

Аниқланишича, 5 ёшдан 12 ёшгача бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда тана массаси (66,0%) бўй узунлигига нисбатан (38,0%) тезроқ ошган.

Бўй узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 7 ёшда (9,2%) энг юқори бўлиб, 8 ёшда (1,0 %) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Тана массаси бўйича ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш 9 (9,5%) ва 10 ёш (10,0%), энг кам бўлган ёш эса 12 ёш (0,7%) бўлиб ҳисобланади.

5 ёшдан 12 ёшгача бўлган гимнастикачи қизларда кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда 1,21 баравар (21,0%), чуқур нафас олганда 1,37 баравар (37,0%), чуқур нафас чиқарилганда эса 1,44 бараварга (44,0%) ортган.

Кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 6 (4,4%) ва 12 ёшда (4,9%) ва энг кам кўрсаткич 11 ёшда (0,9%) ва 8 ёшда (0,5%) эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларнинг бўй узунлиги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларга нисбатан

болаликнинг ҳам биринчи (2,6%), ҳам иккинчи (2,2%) даврида паст эканлиги аниқланган. Тана вазнига кўра, болаликнинг биринчи даврида сезиларсиз даражада (6,0%), болаликнинг иккинчи даврида эса сезиларли (17,1%) даражада паст. Кўкрак қафаси айланаси болаликнинг даврларига кўра текширув натижаларига асосан болаликнинг биринчи давридаги бадий гимнастика билан шуғулланадиган қизларда кўкрак қафаси айланаси турли ҳолатлар бўйича (тинч, чуқур нафас олганда ва б.) бадий гимнастика билан шуғулланмайдиганларга нисбатан юқори, болаликнинг иккинчи даврида эса аксинча: кўкрак қафаси айланаси турли ҳолатларга нисбатан кичикроқ. Буларнинг барчаси бадий гимнастика тананинг жисмоний шаклланишини тубдан ўзгартириши, бу эса болаликнинг иккинчи даврида яққол намоён бўлишини кўрсатган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган ва шуғулланадиган қизлар антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлили**» бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда юқориги мучалар антропометрик кўрсаткичлари.** 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда қўлнинг умумий узунлиги 1,41 баравар (41,0%), ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 9 ёшда (9,9%) энг юқори бўлиб, 11 ёшда (2,1%) энг кам кўрсаткичга эга. Бунда елка узунлиги 1,44 баравар (44,0%) ортган. Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш эса 12 ёш (6,8%), энг кам - 10 ёш (1,4%).

Елка кенглиги эса 1,84 марта (84,0%) ортиб, энг юқори ўсиш сурьати 7 ёшда (9,2%) ва энг кам - 12 ёшда (2,1%) эканлиги аниқланган.

Елка айланаси эса 1,34 баравар (34,0%) ўсган. Ўсиш кўрсаткичи жадаллиги энг юқори бўлган ёш 10 (5,8%) ва 8 ёшда (5,2%), энг кам бўлган ёш эса 11 ёш (0,9%).

Билак узунлиги 1,41 (41,0%) ортади, ўсиш сурьати 12 ёшда (8,1%) энг юқори ва 6 ёшда (2,3%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Қўл панжаси узунлиги 1,37 баравар (37,0%) ошади. Энг юқори ўсиш сурьати 6 ва 8 ёшда (6,9%), энг кам кўрсаткич 11 ёшда (0%) аниқланган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда юқориги мучаларнинг антропометрик кўрсаткичлари.** 5-12 ёшли бадий гимнастика билан шуғулланадиган қизларнинг қўл умумий узунлиги 1,47 мартагача (47,0%) ўсган. Ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 9 ёшда (10,0%) энг юқори бўлиб, 10 ёшда (3,6%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.


Елка узунлиги 1,57 марта (57,0%) ортади, ўсиш сурьати энг юқори бўлган ёш 6 ёш (7,7%) ва 12 ёшда (7,2%), энг кам бўлган ёш - 10 ёш (1,0%).

Бадий гимнастика билан шуғулланадиган қизларда елка кенглиги эса 1,66 марта (66,0%) ошади. Елка кенглиги бўйича энг юқори ўсиш сурьати 7 ёшда (7,9%), энг кам кўрсаткич 11 ёшда (1,5%) аниқланган.

Елка айланаси 1,23 марта (23,0%) ортади. Ўсиш кўрсаткичи жадаллиги - 10 (7,4%), энг кам бўлган ёш - 12 ёш (1,8%).

Билак узунлиги 1,42 баравар (42,0%) ошади, ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 10 ёшда (6,8%) энг юқори бўлиб, 12 ёшда (0,8%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Қўл панжаси узунлиги 1,36 баравар (36,0%) ошади. Энг юқори ўсиш сурьати 10 ёшда (7,3%) ва энг кам кўрсаткич 11 ва 12 ёшда (1,1%) аниқланган (1-расм).



**1-расм. Бадий гимнастика билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган қизлар юқори мучалари морфометрик параметрларининг қиёсий таҳлили**

Бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда қўлнинг умумий узунлиги катта. Ўсиш асосан елка узунлиги ва б. ошиши билан боғлиқ. Бадий гимнастика елканинг узунлик ўлчамларига ижобий таъсир кўрсатган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар пастки мучаларининг антропометрик кўрсаткичлари.** Болаликнинг I-давридаги (5-7 ёш) бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар пастки муча узунликлари таҳлил қилинганда, оёқ узунлиги 49,2 см дан 66,5 см гача, ўртача  $58,9 \pm 0,18$  см, сон узунлиги 22,5 см дан 36,3 см гача, ўртача  $28,8 \pm 0,15$  см, болдир узунлиги 26,2 см дан 33,3 см гача, ўртача  $30,1 \pm 0,16$  см, сон айланаси 25,2 см дан 35,4 см гача, ўртача  $30,2 \pm 0,13$  см, болдир айланаси 21,5 см дан 28,4 см гача, ўртача  $24,5 \pm 0,10$  см ўзгариши аниқланган.

Тадқиқот натижасига кўра, болаликнинг II-давридаги (8-12 ёш) соғлом қизларда оёқ узунлиги 66,0 см дан 88,0 см гача, ўртача  $74,1 \pm 0,18$  см, сон узунлиги 32,3 см дан 55,9 см гача, ўртача  $38,5 \pm 0,19$  см, болдир узунлиги 30,5 см дан 44,0 см гача, ўртача  $35,7 \pm 0,12$  см, сон айланаси 28,4 см дан 49,0 см гача, ўртача  $37,3 \pm 0,21$  см, болдир айланаси 23,0 см дан 33,0 см гача, ўртача  $27,7 \pm 0,13$  см ўзгариши аниқланган.

5 ёшдан 12 ёшгача бўлган бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда оёқнинг умумий узунлиги 1,46 марта (46,0%) ошади. Ўсиш

кўрсаткичининг жадаллиги 7 ёшда (8,9%) энг юқори бўлиб, 12 ёшда (1,9%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Сон узунлиги 1,56 баравар (56,0%) ўсади, ўсиш сурьати энг юқори бўлган ёш 7 (8,5%) ёш, энг кам - 12 (2,3%) ёш.

Чаноқ эни 1,5 баравар (50,0%) ортиб, ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги энг юқори бўлган ёш 7 ёш (7,5 %), энг кам бўлган ёш 8 ёш (0,5 %).

Болдир узунлиги 1,36 баравар (36,0%) ўсиб, ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 12 ёшда (8,7%) энг юқори ва 7 ёшда (0,3%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Оёқ панжаси узунлиги эса 1,27 бараварга (27,0%) ортади. Оёқ панжаси узунлиги бўйича энг юқори ўсиш сурьати 8 ёшда (6,7%), энг кам кўрсаткич 6 ёшда (0,6%) аниқланган.

Сон айланаси 1,38 марта (38,0%) ошган, сон айланаси бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 8 ёшда (9,1%), энг кам кўрсаткич 11 ёшда (2,1%) аниқланган.

Болдир айланаси 1,23 баравар (23,0%) ортади. Энг юқори ўсиш сурьати 12 ёшда (7,9 %), энг кам кўрсаткич 6 ёшда (0,4 %) аниқланган.

**Бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда пастки мучаларнинг антропометрик кўрсаткичлари.** Болаликнинг I-давридаги (5-7 ёш) бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда оёқ узунлиги 40,3 см дан 70,7 см гача, ўртача  $61,8 \pm 0,85$  см, сон узунлиги 22,9 см дан 36,0 см гача, ўртача  $30,1 \pm 0,26$  см, болдир узунлиги 24,5 см дан 39,3 см гача, ўртача  $30,5 \pm 0,64$  см, сон айланаси 26,4 см дан 48,2 см гача, ўртача  $33,5 \pm 0,61$  см, болдир айланаси 22,8 см дан 28,2 см гача, ўртача  $24,9 \pm 0,15$  см атрофида бўлган.

Болаликнинг II-давридаги (8-12 ёш) бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизларда оёқ узунлиги 65,0 см дан 87,5 см гача, ўртача  $75,2 \pm 0,45$  см, сон узунлиги 29,5 см дан 45,7 см гача, ўртача  $38,6 \pm 0,24$  см, болдир узунлиги 30,5 см дан 48,0 см гача, ўртача  $37,0 \pm 0,35$  см, сон айланаси 30,5 см дан 44,2 см гача, ўртача  $39,1 \pm 0,28$  см, болдир айланаси 24,2 см дан 38,3 см гача, ўртача  $28,8 \pm 0,28$  см атрофида бўлган.

Бадий гимнастика билан шуғулланадиган 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизларда оёқнинг умумий узунлиги 1,44 марта (44,0%) ошади, ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 6 ёшда (10,0%) энг юқори бўлиб, 7 (0,5%) ёшда энг кам кўрсаткичга эга.

Сон узунлиги 1,47 баравар (47,0%) ортади. Ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш 6 (6,3%) ёш, энг кам бўлган ёш 9 (0,3 %) ёш.


Чаноқ эни 1,32 марта (32,0%) ошиб, ўсиш сурьатининг жадаллиги энг юқорилиги 8 ёшда (8,7%), энг кам - 6 ёш (1,5 %) эканлиги аниқланди.

Аниқланишича, болдир узунлиги 1,39 марта (39,0%) ошиши аниқланди, ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 7 ёшда (8,5%) энг юқори бўлиб, 6 ёшда (0,9%) энг кам кўрсаткичга эга.



Оёқ панжаси узунлиги эса 1,21 мартага (21,0%) ортиши, энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 12 ёшда (4,8%), энг кам кўрсаткич 8 (1,0%) ва 10-11 ёшда (1,9%) аниқланди.

Болаликнинг I-II давридаги қизларнинг оёқ узунлиги, сон ва болдир узунликлари морфометрик кўрсаткичлари 2-расмда кўрсатилган.




**2-расм. Болаликнинг I-II давридаги гимнастикачи ва гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда оёқ узунлиги, сон ва болдир узунликлари морфометрик кўрсаткичлари (Изох: БГҚ-бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар, ГБШҚ- бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар)**

Сон айланаси 1,28 марта (28,0%) ўсади, энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 6 ёшда (6,3%), энг кам кўрсаткич 9 ёшда (0,3%) аниқланди.

Болдир айланаси 1,29 баравар (29,0%) ортади. Энг юқори ўсиш сурьати 11 ёшда (8,6%) ва энг кам кўрсаткич эса мос равишда 6 (1,7%) ва 9 (1,9%) ёшда аниқланди.

3-расмда болаликнинг I-II давридаги қизларда сон ва болдир айланасининг морфометрик кўрсаткичлари келтирилган.



**3-расм. Болаликнинг I-II давридаги қизларда сон ва болдир айланасининг морфометрик кўрсаткичлари**

Шундай қилиб, бадий гимнастика билан шуғуллаувчи қизларнинг пастки муча умумий узунлиги бадий гимнастика билан шуғулланмайдиганларга нисбатан узун. Бадий гимнастика билан шуғуллаувчи қизларда болдир айланасининг ўсиши сон айланасига нисбатан юқори, бу болдир мушакларига тушадиган юклама билан боғлиқ.

**Бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизлар калла-юз соҳаларининг антропометрик кўрсаткичлари.** Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган бадий гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда бош айланаси 1,09 мартага (9,0%) ошган. Энг юқори ўсиш суръати 6-9 (2,3%) ёш бўлиб, энг паст даври эса 12 (0,5%) ёшда кузатилгани келтирилган. Бошнинг бўйлами ўлчами 1,17 мартага (17,0%) ортган. Шу билан бирга гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда 8 ёш (3,8%) бошнинг бўйлама ўлчами энг жадал ўсган даври бўлиб, 11 ёш (0,6%) энг паст даври саналади.

Бошнинг кўндаланг ўлчами 1,19 мартага (19,0%) ўсган. Бошнинг кўндаланг ўлчами энг жадал ўсадиган давр 8 ёш (4,3%), энг паст даври 9-10 ёш (1,0%) га тўғри келган.

Пешона кўндаланг ўлчами 1,31 баравар (31,0%) ошади. Гимнастика билан шуғулланмайдиган қизларда пешона кўндаланг ўлчами 8 (6,5%) ва 9 (7,8%) ёшда энг жадал ўсадиган давр бўлиб, 10 ёш (0%) энг паст давр саналган.

Пешона вертикал ўлчами 1,28 мартага (28,0%) ортади. Энг жадал ўсиш даври 6 ёш (4,2%), энг паст даври 9 ёш (0,9%) да кузатилган.

Бош асосининг узунлиги 1,13 мартага (13,0%) ўсади. 6 ёш (5,4%) энг жадал ўсиш даврига, энг паст ўсиш даври эса 8, 9, 11 ёш (0,7 %) га тўғри келган.

Бош асосининг эни 1,21 баравар (21,0%) ошади. Энг жадал ўсадиган давр 10 ёш (4,5%), энг паст даври 11 ёш (1,7%) ҳисобланган.

